

ЮК ТАШИШДА АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ ТУРИНИ ТАНЛАШ АСОСИДА ЮК АВТОМОБИЛЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Эшқобилов Олим Холиқулович

т.ф.д.проф.

Иргашев Дилмурод Бекмуродович

катта ўқитувчи

Расулов Мурод Қахрамон ўғли

магистрант

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7421971>

Аннотация. Мақолада автомобил саноатининг ривожланиб бориши билан биргаликда, улардан кенг кўламда фойдаланиш ҳамда автотранспорт корхоналарини ишлаб чиқариш техник базасини ташиқил этиш, қайта қуриш ва реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш ҳамда янгиларини лойиҳалаш, автомобил саройларини техник соз ҳолатини таъминлаш, ишлаб чиқариш техник негизини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Натижада республикамизда замонавий автотранспорт корхоналарига техник хизмат кўрсатувчи сервис корхоналари пайдо бўлмоқда, бу эса мавжуд автокорхоналарни ҳаракатланувчи таркибини янгилаш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнларини ривожлантириб, уларни такомиллаштириш кераклигини кўрсатади.

Калит сўзлар: автомобил, йўловчи, юк, ташиш, транспорт, логистика, таъмирлаш.

Аннотация. В статье наряду с развитием автомобильной промышленности широко используются и организация, реконструкция и реконструкция технической базы производства автотранспортных предприятий, техническое перевооружение и проектирование новых, техническое обслуживание требуется техническое состояние автомобильных ангаров, дальнейшее совершенствование технической базы производства. В результате в нашей республике появляются сервисные предприятия, осуществляющие техническое обслуживание современных автомобилей, что свидетельствует о необходимости развития и совершенствования существующих автомобильных предприятий процессов обновления, обслуживания и ремонта подвижного состава.

Ключевые слова: автомобиль, пассажир, груз, перевозка, транспорт, логистика, ремонт.

INCREASING THE EFFICIENCY OF USING TRUCKS BY CHOOSING THE TYPE OF VEHICLE TRANSPORT IN CARGO TRANSPORTATION

Abstract. In the article, along with the development of the automotive industry, the organization, reconstruction and reconstruction of the technical base for the production of motor transport enterprises, the technical re-equipment and design of new ones, the technical maintenance of the technical condition of automobile hangars, and further improvement of the technical base of production are widely used. As a result, service enterprises appear in our republic that carry out maintenance of modern cars, which indicates the need to develop and improve existing automobile enterprises in the processes of updating, maintaining and repairing rolling stock.

Keywords: *car, passenger, cargo, transportation, transport, logistics, repair.*

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг автомобил траспортини бошқариш тизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини учинчи бандида 2018-2021 йилларда 437 та янги йўловчи йўналишларини ташкил этиш ҳамда 84 та автовокзал ва автостанцияни қуриш ва реконструкция қилишнинг иқтисодиёт соҳалари ва аҳолини республика чекка минтақаларида ташишларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда янгиланган мақсадли кўрсаткичлари, шунингдек, юкларни халқаро автомобилда ташишларни амалга оширувчи миллий ташувчиларни оғир юк ташувчи 3824 та автотранспорт воситалари саройини янгилашни прогноз кўрсаткичлари тасдиқланмоқда. Бундан ташқари “Ўзавтотранс” агентлиги қошида автомобилда йўловчилар ёки юклар ташиш транспорт-логистика фаолиятини амалга оширувчи мустақил ихтисослаштирилган юридик шахс ҳуқуқлари билан унитар корхоналар ташкил этилади .

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Автомобил саноатининг ривожланиб бориши билан биргаликда, улардан кенг кўламда фойдаланиш ҳамда автотранспорт корхоналарини ишлаб чиқариш техник базасини ташкил этиш, қайта қуриш ва реконструкция қилиш, техник қайта жихозлаш ҳамда янгиларини лойиҳалаш, автомобил саройларини техник соз ҳолатини таъминлаш, ишлаб чиқариш техник негизини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Натижада республикамізда замонавий аватомобилларга техник хизмат кўрсатувчи сервис корхоналари пайдо бўлмоқда, бу эса мавжуд автокорхоналарни ҳаракатланувчи таркибини янгилаш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш жараёнларини ривожлантириб, уларни такомиллаштириш кераклигини кўрсатади. Ҳозирги кунда мавжуд юк ва йўловчи ташишга мўлжалланган автотранспорт корхоналарини техник базаларига ўрнига енгил ва юк автомобилларига хизмат кўрсатиш корхоналари, яъни автосервислар кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Автомобил транспортини эксплуатацияси фан тармоғи ва амалий фаолиятни соҳаси сифатида кўпгина йўналишларни қамраб олади: юкга кириш; юк ташиш технологияси; йўловчи ташиш технологияси; ҳудудий транспорт; шаҳарларни транспорт режаси; транспорт тизимини моделлаштириш; логистика; транспорт логистикаси; йўл ҳаракатини ташкил этиш; йўл ҳаракатини ташкил этишни техник воситалари; транспорт воситаларини хавфсизлиги; автотранспорт психологияси; автомобилларни ишлаб чиқиш ва таъмирлаш асослари; автомобилларни техник эксплуатацияси; эксплуатацион материаллар; автомобил транспорти корхоналарини лойиҳалаш. Кўрсатиб ўтилган йўналишлардан ҳар биридан автомобил транспорти эксплуатацион самарадорлигини ошириш учун захира топиш мумкин.

Автомобилларни эксплуатациясида автомобил транспорти корхонасини тури ва уларни фаолият туридан келиб чиқиб қуйидаги кичик тизимларни ажратиш мумкин (1-расм).



1-расм. Автомобиллар эксплуатациясини кичик тизими турлари

Автотранспорт фаолиятида автомобилларни эксплуатацияси юк ва пассажирлар ташиш бўйича муҳим вазифани бажаради (тижорат эксплуатацияси)- паркни ишлаш қобилияти ҳолатини ушлаб туриш ва унинг материал-техника таъминоти (техник эксплуатация). Бундай ҳолатда автомобилларни техник эксплуатациясини вазифаси ташиш фаолиятини яроқлилигини ва транспорт воситаларини техник соҳа ҳолатини таъминлашдан иборат, яъни транспорт жараёнини амалга ошириш имкониятини таъминлашдан иборат. Тижорат эксплуатациясини (ТЭ) вазифаси-соз автомобилларни самарали ишлатиш, даромад олиш ва уни транспорт жараёнидаги ҳақиқий улушини мос равишда АТЭ тизими билан бўлишиш.

Бундан келиб чиқиб, автотранспорт фаолиятида эксплуатация самарадорлигини ошириш йўналишини афзаллиги кам харажат билан транспорт ишини бажаришга ҳаракатланувчи таркибни техник тайёргарлик даражасини ошириш имконияти мавжудлигидадир. Шундай қилиб, автомобилларни эксплуатацион самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни автомобилларни техник эксплуатацияси позициясидан таҳлил қилиш мумкин, бунда автомобил транспортини самарали ишлатиш ва ишлаш қобилиятини, тежамкорлигини, хавфсизлигини ва экологиклигини таъминлашга йўналтирилган инсон фаолиятини воситалари, усуллари ва методлари йиғиндисини ўз ичига олади.

Автомобиллар эксплуатациясини кўриб чиқиб ҳамда тармоқ олдида ва хусусан техник эксплуатация олдида турган мақсадларни амалга оширишда автомобил транспортини фаолияти натижаларини ёки оширади ёки харажатларни пасайтиради. Бундан келиб чиқиб, автомобилларни техник эксплуатацияси самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишда аввало автомобиллар унумдорлигини, техник тайёргарлик коэффициентини ва ишлашга яроқлилик ҳолатини ушлаб туришга харажатларни ўзгариш омилларини кўриб чиқиш лозим.

Автомобил транспорти тармоғини замонавий ҳолатини таҳлили автомобилларни эксплуатацион самарадорлигини камайтирадиган ёки оширадиган омилларни аниқлашга имкон берди. Техник эксплуатацияни самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни тизимлаштириш учун

“Автомобилларни техник эксплуатацияси тизими дарахти” асосида уларни таснифи ишлаб чиқилди (2-расм).

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Биринчи гуруҳга “ТХК ва таъмирлаш ишлари ҳажми” автотранспорт корхонасини автомобилларга ТХК ва таъмирлаш бўйича хизматларга талабни аниқловчи омиллар киради. Ушбу ишларга талаб қанча юқори бўлса, иш турлари шунча хилма-хил бўлади ва автомобилларни техник даражасини юқорилигини таъминлаш шунча мураккаб бўлади.



2-расм. Автомобилларни техник эксплуатацион самардорлигига таъсир қилувчи омиллар

Замонавий транспорт тармоғини ишлаб чиқариш техник базасини ва автомобил паркинни ҳолатини таҳлил қилганимизда ушбу гуруҳ омилларни қуйидаги хос хусусиятларини аниқлашга имкон берди. Ҳозирги вақтда транспорт корхоналари автомобилларга ТХК ва таъмирлаш бўйича комплекс ишларни мустақил ўзлари бажаришади ёки автосервис корхоналари хизматидан фойдаланишади ёки бу усулларни комбинацияси билан паркни ишга яроқлилиқ ҳолати таъминлашади.

Биринчи ҳолатда автомобилларни техник эксплуатация меъёрлари асосида ТХК ва таъмирлаш ишлари ташкил этилади . Автомобилларни техник эксплуатациясини бундай

холда ташкил этиш автомобилларга ТХК ва таъмирлаш бўйича режали-огоҳлантирувчи тизими талабларига қатъий риоя қилинадиган корхоналарда сифатли амалга оширилади; ёши бўйича амортизацион хизмат муддатидан ошмайдиган ҳаракатланувчи таркиб эксплуатация қилинганда; сифатли ишларни бажаришни таъминлайдиган ривожланган ишлаб чиқариш техник базаси (ИЧТБ) бўлганда; автомобилларни эксплуатация қилиш иш тартиботи мавжуд меъёрларга мос келганда.

Шу билан бирга замонавий автотранспорт корхоналарида ТХК ва таъмирлаш ишлар ҳажми ва номланишини режалаштириш кўпинча режали-огоҳлантирувчи характерга эга эмас. Бунда ТХК даврийлиги бузилади, хизмат кўрсатиш кўпинча автомобиллар ишдан бўшаган даврида ёки эҳтиёж бўйича ТХК жорий таъмир билан алмаштирилади. Бу одатда иш ҳажмини кўпайишига автомобилларни ишда бузилишларига, автомобилларни таъмирда туриб қолиш вақтини кўпайишига олиб келади ва бошқалар.

Булар ҳаммаси техник эксплуатация самарадорлигини пасайишига олиб келади, чунки паркнинг ишга яроқлилиги юқори эмас. Автомобилларни техник эксплуатациясини бошқаришни бундай тактикаси майда ва ўрта хусусий шаклдаги автотранспорт корхоналарида кенг тарқалган.

Иккинчи ҳолатда автомобилларга ТХК ва таъмирлаш автомобилларни кафолатли ва кафолатдан кейинги даври хизмат кўрсатиш доирасида амалга оширилади. Лекин, автомобил парки эгалари учун махсуслаштирилган марказларда сервис ишларини бажариш харажатлидир, шу билан бирга эксплуатация қоидаларига риоя қилинганда автомобилларни бузиқлиги билан боғлиқ (кафолат бўйича агрегатларни алмаштириш, комплектловчи ва таъмирлаш материалларини юқори сифатлилиги ва бошқалар) харажатлардан суғурталанади. Яна бошқа ҳолат ТХК ёки таъмирлаш учун автомобилни автосервис корхонасига ташиб бориш лозим бўлган ҳолатларда, бу кўшимча вақт талаб қилади, яъни автомобил транспорт жараёнидан чиқиб кетади, уни туриб қолиши кўпаяди, автомобилни техник тайёргарлик ва фойдаланиш коэффициентлари пасаяди.

Бошқа хусусий ҳоллар ҳозирги кунда кўпгина автотранспорт корхоналари учун янги ва ишлатилган хорижий автомобилларни сотиб олиш хос бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда юк автомобиллар парки ҳар йили бир неча мингтага кўпайиб бормоқда.

Лекин, ИЧТБ мавжуд бўлган кўпгина автотранспорт ва автосервис корхоналари хорижий ва замонавий маҳаллий автомобилларга ТХК ва таъмирлаш ишларини сифатли ўтказишга мўлжалланмаган, чунки улар керакли жиҳозлар ва махсус тайёрланган ишчилар билан таъминланмаган. Бундан ташқари корхона томонидан сотиб олинган автомобиллар кафолатли муддати (босиб ўтадиган йўли) бўлиб, бу муддатда автомобилларга махсуслаштирилган диллерлик сервис марказларида хизмат кўрсатилиши шарт. Бу ҳолат паркнинг ишлаш қобилияти даражасига таъсир кўрсатади, бундан келиб чиқиб техник эксплуатацияни самарадорлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Иккинчи гуруҳга «ТХК ва таъмирлаш тизими» (2-расм) автотранспорт корхоналарида ТХК ва таъмирлаш технологияси, ташкил этиш ва бошқариш даражасини белгиловчи омиллар (қабул қилинган ТХК ва таъмирлаш тизими, автомобилларга ТХК ни режалаштириш ва қуйиш, ўтказиладиган ишлар технологиясини ва сифатини назорат қилишни ривожлантириш, ТХК ва таъмирлашни тезкор бошқариш ва бошқалар) киради. Автотранспорт корхонасида автомобилларга ТХК ва таъмирлаш ишлаб чиқаришни

меъёрий-техник таъминотини ташкил қилиш қанча сифатли бўлса, автомобиллар паркини ишлаш қобилияти шунча юқори ва мос равишда автомобилнинг техник эксплуатациясини самарадорлиги ҳам шунча юқори бўлади.

Автомобилларни техник эксплуатацияси самарадорлигига корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланганлигига таъсири схемаси. 3-расмда кўрстайилган.



3-расм. Автомобилларни техник эксплуатацияси самарадорлигига корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланганлигини таъсири схемаси.

Охирги йилларда автотранспорт фаолияти билан шуғулланувчи автотранспорт корхоналари субъектини кўпайиб бориши ва уларни қувватини камайиб бориши (паркнинг ўлчами, ходимлар сони, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш постлари сони, ишлаб чиқариш майдони) мутахассисларни вазифавий фаолиятини кескин ўзгаришига олиб келди. Кичик автотранспорт корхоналари ва автотранспорт фаолияти қўшимча ҳисобланган корхоналар учун ташиш фаолиятини ташкил қилиш ва таъминлаш, техник таъминот, ҳаракат хавфсизлиги ва баъзи ҳолларда молиявий-иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган техник эксплуатация хизмати ходимлари вазифавий фаолиятларини бир киши бажаришига тўғри келади. Бундан ташқари махсус ва умумий тайёргарлик даражасини пасайиши кузатилади. Мутахассислар орасида автотранспорт йўналиши бўйича тахминан 18% олий маълумотли ва 31 % ўрта махсус маълумотли, 28 % транспорт йўналиши бўйича маълумотига эга эмас, лекин улар автомобил транспорти бўйича малакавий тайёргарликдан ўтишган ва шартли “Амалиётчи” тоифасига тааллуқли ва тахминан 23 % гача мутахассислар автомобил асослари бўйича тайёргарлик маълумотига эга.

ХУЛОСА

Шундай қилиб автомобил транспорти корхоналарининг мутахассисларини транспорт йўналиши бўйича 50 % гачаси олий ва ўрта махсус маълумотига эга эмас. Корхонани транспорт фаолиятига жавобгар шахслар ичида автотранспорт воситаларини фақат ўзларини эҳтиёжлари учун ишлатадиганларнинг улуши жуда катта (70-80% гача етади).

REFERENCES

1. Автомобильные дороги: безопасность, экологические проблемы, экономика (российско-германский опыт) / Под ред. В.Н. Луканина, К.-Х. Ленца. - М. : Логос, 2002. - 624 с.
2. Автотранспорт: учет и налогообложение: [нормат. документы, разъяснения и комментарии] / Под ред. С. Б. Сазонтова. - 3-е изд., испр. -М. : ФБК - Пресс, 2002. - 140 с.
3. Андрухович В.В. Комплексное транспортно-экспедиционное обслуживание грузовладельцев условие создания рыночной инфраструктуры на автомобильном транспорте. - Минск : БелНИИТИ, 1991. - 72 с.
4. Аринин И.Н. Техническая эксплуатация автомобилей. (Управление технической готовностью подвижного состава): Учеб. пособие. /И.Н. Аринин, СИ. Коновалов, Ю.В. Баженов, А.А. Бочков. - 2-е изд., доп. - Владимир : Изд-во Владим. гос. ун-та, 2003. - 248 с.
5. Афанасьев Л.Л. Единая транспортная система и автомобильные перевозки: Учебник для студентов вузов / Л.Л. Афанасьев Н.Б. Осторовская, СМ. Цукербер - М. : Транспорт, 1984. - 256 с.